

## ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

*Гаппаров Бехзод Нематиллаевич*

*Жиззах Политехника институти катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада ҳозирги кунда педагогикамизда педагогик технологияларнинг қисқача мазмуни, шу билан биргаликда унинг моҳияти атрофлича мисоллар ёрдамида батафсил ёритиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *педагогика, технология, таълим, тарбия, маънавия, маърифат, методика.*

## CONTENT AND ESSENCE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

**GAPPAROV BEHZOD NEMATILLAEVICH**

**Senior teacher of Jizzakh Polytechnic Institute**

**Annotation:** *In this article, a summary of pedagogical technologies in our pedagogy today, as well as its essence, is explained in detail with the help of detailed examples.*

**Keywords:** *pedagogy, technology, education, training, spirituality, enlightenment, methodology.*

**Кириш.** Ҳар қандай касбда фаолият самарадорлиги ва муваффақиятли касб соҳибларининг тайёргарлиги, маҳорати, ўз омилкорлигини такомиллаштириш устида нечоғлик кунт ва изчиллик билан ишлашига боғлиқ.

**Адабиётлар таҳлил ва методология.** Ўз даврида И.А.Каримов ўқитувчилар олдига давлат ва жамият қўйган талабларни қуйидагича баён қилиб берди:

“Тарбиячи – устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун энг аввало, тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши,

ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак” [Каримов И.А. “Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад”, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизатсия қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги (2012 йил 17-февралда) халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. № 35 18-феврал 2012 йил].

**Таълим технологияси** – таълимий мақсадга эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди. Ўқитувчини самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси таълим оловчилар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у таҳсил оловчиларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолияти тушунилади.

**Муҳокама ва натижа.** Таълим жараёнини технологиялаштириш ғояси Фарбий Европа ва АҚШда яратилган эди. Бу мамлакатларда педагогика фани ўтилмайди, демак, **“Педагогик технология”** тушунчаси ҳам йўқ. Уларда таҳсил оловчиларга билим бериш жараёнини **“Таълим жараёни”** таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фанлар мажмуаси **“Методика”** деб юритилади [Фуломов С.С. “Мустаҳкам оила – билимга таянган инноватцион иқтисодиёт асоси”. Таълим тизимида сифат менежменти. Низомий номли ТДПУда малака ошириш курсида ўқиган маърузаси. 2013 йил январ, Отаёров О. “Ақлий салоҳиятни ошириш сирлари” маърифат газетаси. № 101 (8646) 18-декабр 2013 йил, 12-бет].

Ўзбекистон ва ҳамдўстлик мамлакатларида ўтилиб келинаётган “Педагогика” фани перндмети шахсни шакллантириш, унинг камолатини таъминлашга йўналтирилган таълимий ва тарбиявий фаолиятни ташкил этиш

жараёнининг мазмунидан иборатдир. Демак, комил инсон тарбияси икки муҳим фаолият жараёни самарасидир.

**“Педагогик технология”** тушунчаси **“таълим технологияси”** тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга экан, яъни тарбиявий ташкил этувчи ҳам бор экан.

Педагогик технологиянинг марказий муаммоси таҳсил олувчи шахсни ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишдан иборат [Ҳайдарова Г.А., Пардаева К, Гаппаров Б.Н. “Халқ педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2009 йил, Зиёмухамедов Б., Тожиев М. “Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни”. Тошкент. Мумтоз-Соз. 2010 йил].

Педагогик технологиянинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- Таълим жараёнининг умумий лойиҳаси;
- Таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж;
- Таълим мақсади;
- Таълим мазмуни;
- Таълим шакли;
- Таълим бериш методи;
- Техник воситалар; таълим олувчи фаолияти;
- Ўқитувчи фаолияти.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбия алоҳида технологик шаклга эга. Гарчи замонавий таълим технологияси таҳсил олувчиларнинг таълим жараёнидаги етакчилик ролини ошираётган бўлсада, тарбия жараёнида тарбияланувчи асосий мавқени эгаллаётган бўлмайди, чунки таҳсил олувчида характер, дунёқараш етарлича шаклланмаган бўлади [Зиёмухамедов Б. “Таълим технологиялари”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2012 йил ва Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув

дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборотниаси. № 4 1999 йил 288-381 бетлар].

Бу борада таҳсил олувчи тарбиячи ёрдамига муҳтож бўлади. Тарбия жараёни узок муддатли мураккаб ва узлуксиз бўлиб, у ўзига хос хусусиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш – энг муқаддас мақсад”, “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизатсия қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги (2012 йил 17-февралда) халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. Халқ сўзи. № 35 18-феврал 2012 йил.
2. Гуломов С.С. “Мустаҳкам оила – билимга таянган инноватцион иқтисодиёт асоси”. Таълим тизимида сифат менежменти. Низомий номли ТДПУда малака ошириш курсида ўқиган маърузаси. 2013 йил январ.
3. Отаёров О. “Ақлий салоҳиятни ошириш сирлари” маърифат газетаси. № 101 (8646) 18-декабр 2013 йил, 12-бет.
4. Ҳайдарова Г.А., Пардаева К, Гаппаров Б.Н. “Халқ педагогикаси”. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2009 йил.
5. Зиёмухамедов Б., Тожиев М. “Миллий педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва унинг ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни”. Тошкент. Мумтоз-Соз. 2010 йил.
6. Зиёмухамедов Б. “Таълим технологиялари”. Ўқув қўлланма. Тошкент 2012 йил.
7. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ахборотниаси. № 4 1999 йил 288-381 бетлар.